БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА БИЛИМ ОЛИШГА ОНГЛИ МУНОСАБАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

А.РИЗАЕВ

В статье рассмотрена проблема формирования сознательного отношения учеников к получению знаний, разработаны конкретные рекомендации по решению данной проблемы.

In this article the problem of formation of the conscious attitude of the schoolboys to reception of knowledge is considered, the concrete recommendations for the decision of the given problem are developed.

Ўқитишда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш уларнинг онглилиги ва фаоллигини таъминлаш билан узвий боғлиқ. Онглилик ўқувчиларнинг ўрганилаётган материални тушуниб етишларида, яъни ўрганилаётган материал билан аввал ўрганилган материал орасидаги мантиқий боғланишларни кўра олишида, ўрганилаётган манба материалидаги асосий ва асосий бўлмаган масалаларни фарқлай олишида, ўрганилаётган материалдан амалий фаолиятнинг турли соҳаларида фойдалана олишларида намоён бўлади. Онглиликка эришиш уларнинг ўқув жараёнидаги активлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ўқитишда ўқувчилар активлигига эришиш учун билимларни мустаҳкам эгаллаш малакаларини, ижодий тафаккурни тарбиялаш учун эса тадқиқотчилик малакаларини шакллантириш тақозо этилади.

Математика дарсларида ўқувчиларнинг билиш фаолиятини фаоллаштириш усуллари ўқувчиларда фанни ўрганишга қизиқиш уйғотиш, муаммоли таълим элементларини қўллаш, ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил қилиш, якка ва гуруҳ тартибидаги топшириқларни бирга қўшиб олиб бориш, кўргазма материаллар, маҳаллий материаллардан оқилона фойдаланиш, фанлараро алоқани ўрнатиш, алгоритм маданиятини шакллантириш кабиларни ўз ичига олади.

Маълумки, ўқитиш жараёнида бажариладиган машқлар дидактик, билиш ва ривожлантириш характеридаги функцияларни бажаради. Дидактик функцияларни бажарувчи машқлар бевосита қаралаётган тушунча моҳияти билан боғлиқ бўлмагани сабабли ўқувчиларда математик тушунчаларни шакллантиришда муҳим ўринни эгаллайди. Фақат аниқ бир мақсадга қаратилган қизиқарли машқларгина қаралаётган тушунча хоссаларининг илмий жиҳатдан тўғри шаклланишига замин, ўқувчиларда қизиқиш уйғотадиган самарали восита бўлиши мумкин. Айниқса, ҳозирги вақтда, ўқувчилар мурғак ёшидан информацион технологиялар билан яхши таниш, қўл телефони ёки калькулятор ёрдамида ҳатто ўз ёшига нисбатан мураккаб саналувчи ҳисоб-китобларни ҳам осонгина амалга ошира олаётган бир шароитда уларнинг математика фанини ўрганишга қизиқишини тутиб туриш, билим олиш заруратини ҳис эттириш, хуллас, уларда онгли муносабатни шакллантириш жуда муҳимдир. Мазкур ҳол математика фани ўқитувчилари олдига ўз ишига ижодий ёндашиш, ўқувчиларда билим олиш эҳтиёжи ва бу жараёнга онгли муносабатни қуруқ гап билан эмас, машғулот давомида бажарилаётган машқлар ёрдамида муттасил тарбиялаб, мустаҳкамлаб бориш вазифасини қўяди. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шуки, бу ишга имкон қадар эрта, яъни бошланғич синфларданоқ ва албатта, болаларнинг ёш хусусиятларини эътиборда тутган ҳолда киришмоқ зарур бўлади. Агар математика ўқитишда кўп йиллардан бери кузатилаётган бир тенденция эсланса, бу зарурат қанчалик долзарб эканини англаш мумкин. Математика ўқитувчиларига яхши маълумки, ўқувчиларнинг фанга қизиқиши алгебрани ўқитиш босқичига келиб сезиларли сусаяди. Бунинг бош сабаби ўқувчиларга ўзлари ўрганаётган мавзуларнинг татбиқий томони, яъни улардан нима мақсадда ва қандай фойдаланиш мумкинлиги тушунарли бўлмай қолиши билан боғлиқдир. Эндиликда, қизиқишнинг сусайиши калькулятор ё қўл телефонидан фойдаланаётган бошланғич синф ўқувчиларида ҳам кузатила бошлади. Айтмоқчимизки, объектив омиллар таъсирида қизиқишнинг сусайиш вақти анча олдинга силжимоқда. Бироқ бу фақат объектив сабаб (мас., калькулятордан фойдаланиш имкони кенгайгани) билангина боғлиқ эмас. Бу ўринда субъектив сабабни ҳам эътиборга олиш зарурки, бу бошланғич синф ўқитувчилари фаолияти билан боғлиқдир. Яъни, юқорида-

гича ҳол, бизнингча, аввало бошланғич синфлардаги математика дарсларида фанни ўзлаштиришга онгли ёндашувни шакллантиришга эътибор камлиги, арифметик амалларни ўргатишга кўпроқ формал жиҳатдан ёндашиб қолинаётгани натижасидир. Қуйида ушбу долзарб педагогик муаммони ҳал қилиш бўйича айрим мулоҳазаларимиз билан ўртоқлашамиз.

Маълумки, сонларни устун кўринишда кўшишнинг анъанавий усулдан ташқари бошқа усуллари ҳам мавжуд. Бошланғич синфларнинг математика дарсларида кўп хонали сонларни қўшиш мавзусини ўтиш давомида бу усулларни ўқувчиларга ўргатиш уларнинг кўп хонали сонларни қўшиш мазмунини чуқурроқ англаб олишларига ёрдам беради. Мисол тариқасида 4998+2976+3124=11098 йиғиндини ҳисоблашни қараб чиқайлик:

4998+2976+3124=(4000+900+90+8)+(2000 +900+70+6)+(3000+100+20+4)=11098

Қўшиш амалининг гуруҳлаш қонунига кўра йиғиндини ҳисоблаш хоҳлаган тартибда амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли устун кўринишда қўшишнинг одатдаги усулидан фарқланувчи бошқа

4998		4998
+ 2976	ёки	+ 2976
3124		3124
18		9
+ 18		+ 19
19		18
9		18
11098		11098

усулларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Яъни:

Шунга ўхшаш, бошланғич синфларнинг математика дарсларида кўпайтириш амали ўрганиб бўлингандан сўнг ўқувчиларга кўп хонали сонларни устун қилиб кўпайтиришнинг одатдаги усулидан фарқли усулларини ҳам ўргатиш мумкинки, бу ўқувчилар томонидан кўпайтириш амали моҳиятининг янада мукаммал ўзлаштирилишига асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, икки хонали сонни бир хонали сонга кўпайтиришнинг бошқача йўлларини қўйидаги икки мисолда қараб чиқайлик:

36·8=(30+6)·8=30·8+6=240+48=288 ёки

36·8=(6+30)·8=6·8+30·8=48+240=288

Бу икки усул бир-биридан қўшилувчиларининг ўрин алмашуви билан фарқ қилади. Булардан ташқари, устун қилиб қўпайтиришнинг бошқа усулларини ҳам қўллаш мумкин экан:

1) 1) 36·8=288

x36		x36
8		8
+ 48	ёки	+ 24
24		48
288		288

2) 2) 376·8=3008

x376		x376
8		8
48	ёки	24
+ 56		+ 56
24		48
3008		3008

Энди икки хонали сонни икки хонали сонга кўпайтиришни қуйидаги мисолда қараб чиқайлик.

68·76=(60+8)(70+6)=60·70+8·70+60·6+8·6=4200 +560+360+48=5168

ёки

68·76=(8+60)(6+70)=8·6+60·6+8·70+60·70=48+3 60+560+4200=5168

Юқоридаги йиғиндиларни устун кўринишида қўшсак:

олинган натижа кўпайтмага тенг бўлади.

x68	x 68
76	76
48	4200
+ 360	+ 560
560	360
4200	48
5168	5168

Шунга ўхшаш қизиқарли амалларни уч хонали сонни уч хонали сонга кўпайтиришда ҳам намойиш этиш мумкин. Фараз қилайлик 976·731 нинг қийматини ҳисоблаш талаб этилган бўлсин, уни устун кўришинида қуйидагича бажарсак бўлади:

Энди ушбу ёзувни шарҳлаб, ўқувчиларга унинг қандай ҳосил қилингани юзасидан тушунтириш бе-

976·731=713456	ёки	976·731=713456
976		6832
+ 2928		+ 2928
6832		976
713456		713456

риш лозим бўлади. Бунинг учун аввал доскада қуйидаги тенгликни ёзиш ва уни шарҳлаб бериш мумкин:

976·731=(900+70+6)(700+30+1)=630000+4900+4200+27000+2100+180+900+70+6=(4200+4900+630000)+(180+2100+27000)+(6+70+900)=683200+29280+976=713456

Яъни, юқорида ҳосил бўлган хусусий кўпайтмаларнинг биринчиси 976 ни аввал 7 та юзликка, кейин 3 та ўнликка ва 1 та бирликка кўпайтирганда ҳосил бўлган 683200, 29280 ва 976 сонларининг йиғиндиси 713456 га тенг бўлади. Шу тариқа ўқувчиларга 976·731 амалини турлича йўллар билан бажариш мумкинлиги, барча ҳолларда ҳам 713456 натижага эга бўлиниши тушунтирилади.

Албатта, юқорида қўлланган усуллар бошланғич синф ўқувчиларининг арифметик амалларнинг моҳиятини чуқур ва онгли равишда ўзлаштиришларига замин бўлади. Бу ушбу усулни қўллаган ўқитувчининг таълимий мақсади эканлиги ҳам равшан. Яъни, ўқитувчи шуни унутмаслиги керакки, кўриб ўтилган машқлар ҳам, ҳисоблашнинг мазкур усулларини ўргатиш ҳам — восита, холос. Демак, ўқитувчи булардан кўзланган асосий мақсад ўқувчиларда ўрганилаётган материалга қизиқишни кучайтириш орқали билим олишга онгли муносабатни шакллантириш ва мустаҳкамлаш эканлигини ҳамиша ёдда тутмоғи талаб этилади. Бироқ мазкур усулларни қўллашдан кўзланган самара шунинг ўзи билан чекланмаслиги лозим. Чунки, агар теранроқ қаралса, бундан жуда катта таълимий-тарбиявий самаралар олиш мумкинлигини кўриш қийин эмас. Булар, бизнингча, қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

1. Арифметик амалларни турли йўллар билан бажариш асноси ўқувчиларда *конкрет масалани ечишга турлича ёндашиш, уни турли усуллар билан ечиш мумкин*, деган қарашни шакллантиришга асос бўлади. Табиийки, улар кейинча бу қарашни нафақат математика дарсларида қўйилган мисолларни ечишга, балки ҳаётда дуч келишлари мумкин бўлган бошқа муаммоларга ҳам татбиқ этишлари мумкин.

2. Дарс давомида арифметик амаллар ностандарт ёндашув асосида бажарилдики, ностандарт ёндашув ижодий фаолиятнинг бирламчи шартидир. Яъни, дарсда мисолларнинг бу каби ностандарт усуллар ёрдамида ечилиши ўқувчиларда ижодийликни ўстиради, *ҳар қандай масалани ижодий ёндашиб ҳал қилиш мумкин*, деган қарашни шакллантиришга имкон беради.

3. Юқоридагича арифметик амалларни ностандарт йўллар билан бажариш давомида ўқувчиларда алгоритм маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради ва бу, ўз навбатида, уларда изчил мантиқий фикрлаш малакасини тарбиялашга асос бўлади. Изчил мантиқий фикрлай олиш малакаси эса уларнинг кейинги фаолияти самарали бўлишининг гаровидир.

Демак, эришилиши мумкин бўлган таълимий-тарбиявий самараларнинг бари ўқувчиларнинг келгусидаги фаолиятларида катта аҳамият касб этар экан. Бошланғич синф ўқитувчиси математика дарслари давомида худди шу нарсани ўқувчилар онгига сингдириши лозимки, уларнинг ёш хусусиятлари эътиборга олинса, бу ишни ностандарт ёндашув асосидаги қизиқарли машқлар орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқлиги равшан бўлади. Ўз ишига ижодий ёндашиб, бу каби усулларни самарали қўллаган ўқитувчигина шогирдларида фанни ўрганишга онгли ёндашувни шакллантириб, уларни ҳеч қачон инсон онг-тафаккури ўрнини ҳеч бир электрон восита боса олмаслигига ишонтира олади ва охир-оқибат баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган бўлади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.- Т.: Шарқ, 1997
2. Жумаев М.Е. Болаларда математик тушунчаларни ривожлантириш назарияси.- Т.:Илм-зиё, 2005
3. Жумаев М.Е., Тожиева З. Бошланғич синфларда математика ўқитиш методикаси.- Т.: Фан ва технология, 2005

Андижон давлат университети,
2009 йил 15 декабрда қабул қилинган.
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)